Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ✦ № 173 (6. 064) ✦ 1986 йил 29 июль, сешанба ✦ Баҳоси 3 тийин.

КПСС Марказий Комитети Мурожаатномаси — ҳаракатимиз қўлланмаси

## Илҳомбахш меҳнатимиз — ўн иккинчи беш йилликка

Шаҳар индустрияси рапорти

### Етти ойлик план тайёр

БУГУН

Ўзбекистон пойтахти корхоналари товар маҳсулот реализация қилиш ва муҳим саноат буюмлари ишлаб чиқариш бўйича январь-июль ойлари планини бажардилар.

Етти ойлик планнинг муддатидан илгари бажарилиши заводлар, бирлашмалар, фабрикаларда меҳнат унумдорлигини, маҳсулот сифатини янада юксалтириш, фан ва техника янгиликларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, технологияни ва меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни инженерлик жиҳатдан таъминлашни яхшилаш асосида шартнома мажбуриятларини аниқ бажариш учун курашни кучайтириш натижасидир.

КПСС Марказий Комитетининг мамлакат меҳнаткашларига Мурожаатномаси асосида социалистик мусобақа кенг қулоч ёйдирилганлиги юксак техник-иқтисодий кўрсаткичларга эришишнинг муҳим омили бўлди. Етти ойлик планни Ленин, Акмал Икромов, Собир Раҳимов, Ҳамза ва Тошкентнинг бошқа районлари саноат корхоналари коллективлари биринчилардан бўлиб бажардилар.

Шаҳар статистика бошқармасининг маълумотларига қараганда план-топшириқларининг муддатидан илгари бажарилиши Тошкент индустриясига ой охиригача планга қўшимча 35 миллион сўмлик машинасозлик енгил, озиқ-овқат саноати, қурилиш индустрияси маҳсулотлари, кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш имконини беради.

### Ташаббуснинг қаноти

Волжск автомобиль заводи ишчи-хизматчиларининг ишдан ташқари бўш вақтларида маданий-маиший объектларда тўрт кун ишлаб бериш юзасидан бошлаган ташаббуси тобора қанот ёйяпти. «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчи-хизматчилари ҳам бу ташаббусга биринчилар қаторида «лаббай» деб қўшилдилар. Улар «Маданият объектлари қурилишида тўрт кун ишлаб берамиз», — демоқдалар.

Хўш, бу объектлар нималардан иборат? Санаторий-профилакторий шулар жумласидан. Улар бу ерда теплица ва сауна бунёд этишяпти. Шунингдек, бирлашма ишчи-хизматчилари ишдан бўш кунлари болалар боғчалари объектларини қуришда ҳам қатнашмоқдалар.

Айни пайтда бу ерда оталиқ ёрдамини кучайтиришга муҳим эътибор беріляпти. Д. Митрофанова, Д. Зокирова сингари ўнлаб малакали ишчилар, мураббийлар ёшларга ўхшаш касбларни бажонидил ўргатишяпти. Уларнинг ташаббусларига кенг йўл очиб беришяпти.

### Элга хизмат қилиб

Мана бир неча ойдирки паркимиз 5-автобус парки билан бирлаштирилди. Бугунги кунда корхона 37 маршрут бўйлаб ҳар куни 350 минг йўловчига хизмат кўрсатмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномасида «Меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, ресурсларни тежаш — ҳозир мусобақанинг бош мақсадларидир. Ленин сўзлари билан айтганда, «аввалгидан яхшироқ, аввалгидан афзалроқ ва аввалгидан кўпроқ» ишлаб чиқариш керак», дейилади. Ҳақиқатан ҳам меҳнат унумдорлигини ошириш, йўловчиларга намунали хизмат кўрсатиш билангина олдимизга қўйилган мақсадга эришишимиз мумкин. Бугунги кунда мен ва сменадошим Б. Жалолов икки йиллик планни Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллик байрами кунигача бажаришга аҳд қилиб меҳнат қилмоқдамиз. Бригадамизнинг 12 аъзоси бу ташаббусни маъқуллади. Биз С. Миртуллаев ва М. Мадалиев бошчилик қилаётган 43-«э» маршрутдаги ҳамкасбларимиз билан мусобақадошмиз. Улардан ортда қолмаслик учун барча имкониятларни ишга солмоқдамиз.

Корхонамиз меҳнаткашлари олти ойлик планни муддатидан илгари бажаришди. 21 минг 600 сўм фойда олиниб, пландан ташқари 3.634 минг йўловчига хизмат кўрсатилди.

Яқинда корхонамизда социалистик мусобақа ғолибларига маъмурият ва касаба союз комитетларининг мукофотлари топширилди. Ҳайдовчилардан П. Шляпаков, М. Гапитов, Н. Аминовлар муносиб тақдирланишди. Корхонамиз транспортчилари ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йилида 100 миллион йўловчига хизмат кўрсатиш ниятидалар. Ана шу ниятга эришиш учун социалистик мусобақани қизитиб, графикка қатъий амал қилган ҳолда йўловчиларга сидқидилдан хизмат қилмоқдамиз.

Ш. ХОЛМУҲАМЕДОВ,
«Главташпассавтотранс» бошқармасига қарашли 3-автобус паркининг 35-маршрут бригадири.

Уй муборак!

### Қурувчилар ҳиммати

3-уйсозлик комбинатига қарашли 1-қурилиш конвейерлари бошқармаси азаматлари янги ТошМИ микрорайонида 9 қаватли уйни фойдаланишга топширдилар.

Замонавий ва барча қулайликларга эга бўлган бу бинода яқин кунларда 108 оила уй тўйларини ўтказади. Бу уй-жой янги «148» сериядаги лойиҳа асосида бунёд этилди. Унинг лойиҳасини Тошкент турар жой ва жамоат биноларини типовой ва экспериментал лойиҳалаш зонал илмий-тадқиқот лойиҳа институти мутахассислари ишлаб беришган.

9003 квадрат метрли бу бинони Армен Агателов бошлиқ участка бинокорлари бунёд этдилар. Прораб К. Акимов ва Г. Пахолкин бошлиқ бригадаларнинг ғайрати туфайли бино муддатидан илгари топширилди. Қурувчилардан И. Слесарев, М. Толипов, Е. Лукьянова ва С. Львовлар ҳар бир ишда ҳамкасбларига ўрнак бўлдилар.

Собир Раҳимов райони бўйича ўтган июль ойида 7239 квадрат метрли турар жой бинолари фойдаланишга топширилди. Бу уйларга 130 га яқин оила кўчиб кирмоқда. Йил давомида районда 99456 квадрат метрли уй-жой қад кўтаради.

И. РАҲМАТУЛЛАЕВА,
В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети журналистика факультети студенти.

## Бугун—Октябрь районида

СОВЕТ ХАЛҚИ ОРАСИДА ТЕНГЛАШСА АРЗИЙДИГАН, ИБРАТ ОЛСА АРЗИЙДИГАН КИШИЛАР БОР. БУ КИШИЛАР АВВАЛО МАМЛАКАТНИНГ МЕҲНАТ ГВАРДИЯСИ — ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИЛҒОРЛАРИ ВА НОВАТОРЛАРИ, ЎЗ КАСБИНИНГ ЗАРШУНОС УСТАЛАРИ, ЎТКИР ЗЕҲНЛИ, ДАДИЛ ИЖОДИЙ ИЗЛАНУВЧАН ВА АКТИВ ГРАЖДАНЛИК ПОЗИЦИЯСИДА ТУРУВЧИ КИШИЛАРДИР.

(КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномасидан).

### Умум бахт-саодати йўлида

Фабрикамиз меҳнаткашлари ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йили планини 27 декабрда бажариб, планга қўшимча 150 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилишди. Бу бизнинг КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномасига амалий жавобимиздир. Ҳозир корхонамизда 14 та коммунистик меҳнат бригадаси бор. Мен бошчилик қилаётган бригадада 14 киши ишлайди. Ойлик планларни 110—120 процент адо этаётган илғор ҳамкасбларим бугунги кунда сентябрь ойи ҳисобига ишлашмоқда. Биз мавжуд резервларни синчиклаб таҳлил этиб, икки йиллик планни Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги кунигача бажаришга, фақат аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилдик.

Бригадамиз Азиза Марасулова бошчилик қилаётган коммунистик меҳнат коллективи билан мусобақадош. Беллашувда илғорликни қўлдан бермасликка ҳаракат қилмоқдамиз.

КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномасидаги «Белгиланган режаларни барча совет кишиларининг шижоатли меҳнати билангина рўёбга чиқариш мумкин. Ҳозир ҳар бир кишидан талаб қилинадиган нарса шуки, умум бахт-саодати йўлида ҳалол меҳнат қилиш, ташаббус кўрсатиш, топширилган ишга масъулият билан ёндошиш, давлат манфаатлари ҳақида омилкорлик билан ғамхўрлик қилиш лозим», деган сўзлар менга жуда маъқул бўлди. Ҳақиқатда ҳам ишимизда унумдорликка эришиш учун ҳамма сидқидилдан ишлаши керак. Агарда бирор киши ишга нотўғри муносабатда бўлса уни тартибга чақириб, кўпчилик олдида изза қилиш керак. Бу бошқаларга ибрат бўлади.

Фабрикамиз коллективи олти ойлик планни муддатидан илгари бажарди. Пландан ташқари 251 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бунда бригадамиз аъзоларининг ҳам улуши борлигидан жуда хурсандман.

С. ГИЗАТУЛЛИНА,
бадиий буюмлар фабрикасининг ишчиси, коммунистик меҳнат зарбдори.

Қурилишлар ҳашарга чорлайди

### Замонавий бино

Йўлингиз тушиб, Кўкча томонга ўтиб қолсангиз, 1-шаҳар касалхонаси ёнида қад кўтарган тўрт қаватли бинога кўзингиз тушади. Бу ҳашар йўли билан бунёд этилаётган 200 ўринли туғруқхонадир. Волжск автомобилсозларининг бўш вақтларида социал, маданий ва маиший объектлар қурилишида тўрт кун ишлаб бериш ҳақидаги ватанпарварлик ташаббусини қизғин қўллаб-қувватлаган районимиз меҳнаткашлари ана шу туғруқхона қурилишида фидокорона ишлашмоқда. Район соғлиқни сақлаш бўлимидан ўтган ҳафтада 60 киши, ундан олдинги ҳафтада эса 110 киши шу ерда ишлади.

Янги туғруқхона қурилиши учун 3 миллион 400 минг сўм ажратилган. Бугунгача 1 миллион 250 минг сўм маблағ ўзлаштирилди. Бу йил 781 минг сўмлик иш бажарилди.

Умумхалқ ҳашарларида 1-болалар касалхонаси, 35 поликлиника хизматчилари самарали меҳнат қилишмоқда.

Келаси йили фойдаланишга топшириладиган бу замонавий бинода оналар ва хизмат қилувчилар учун барча шароитлар яратилади.

М. ЙЎЛДОШЕВА,
15-санаторийнинг бош врачи, район Советининг депутати, «Соғлиқни сақлаш аълочиси».

Замондошимиз



Гулчеҳра Маҳмудхонова «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг мастери. Шаҳар советининг депутати. У бу ерга 1977 йилда ишга келиб, даставвал касб сирларини ўрганди. Китобларни яхлит ҳолда тикиш, муқовалаш сингари мураккаб операцияларни муваффақиятли бажара бошлади. Ўз ишига бўлган меҳр-муҳаббат, масъулият туйғуси, шунингдек, фидойилиги сабабли ёш ишчи тез орада коллектив эътиборини қозонди.

Шунинг учун оддий ишчиликдан мастер даражасига кўтарилган Г. Маҳмудхоновага энг қийин ишларни ишониб топширишади ва у ана шу ишончни оқлашга ҳамиша ҳаракат қилиб келмоқда.

Ҳозирги долзарб кунларда бутун совет халқи КПСС Марказий Комитетининг Мурожаатномасига жавобан зўр ғайрат ва шижоаткорлик билан меҳнат қилаётган бир пайтда ишлаб чиқариш топшириқларини ошириб бажариш ва ҳатто икки-уч ҳисса кўпроқ бажариш қаҳрамонимиз меҳнатининг жанговар шиоридир.

Коммунистик меҳнат зарбдори номини ҳам шарафлаб келаётган тажрибали мастер айни пайтда ёш кадрларни малакали ишчилар сафидан ўрин олишини таъминлаш ишига ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Ҳозирда цехдаги унинг шогирдлари тўрт нафарни ташкил этади. Улар китоб муқовалашдек масъулиятли вазифани муваффақият билан уддалашмоқда. Бундан шубҳасиз мураббийнинг кўнглида ҳам мамнунлик туйғуси пайдо бўлаётганини айтиб ўтмасдан иложимиз йўқ.

СУРАТДА: Г. Маҳмудхонова.

## ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

✦ Кеча Владивостокда шаҳарга Ленин ордени топширилишига бағишланган тантанали йиғилиш ўтказилди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев шаҳарга Ватаннинг юксак мукофоти —Ленин орденини топширди ва нутқ сўзлади. Ана шу тантанали йиғилиш ҳақидаги ҳисобот ва ўртоқ М. С. Горбачевнинг йиғилишда сўзлаган нутқи бугун тонгги газеталарда эълон қилинган.

✦ Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев 28 июль куни Тошкент темирйўлчилар маданият саройида Ўрта Осиё темир йўли ишлаб чиқариш илғорларидан катта бир группасига тантанали вазиятда СССРнинг орден ва медалларини топширди.

Мукофотларни топшириш тантанали маросимида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. С. Икромов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин қатнашдилар.

### Самарали меҳнат қилиб, кўнгилли дам оламиз

Бирлашмамиз коллективи КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномасига зарбдор меҳнат билан жавоб бермоқда. Мазкур Мурожаатнома билан яқиндан танишган коллективимиз юксак меҳнат унумдорлигига эришиш учун социалистик мусобақани қизитиб юборди. Йиллик планни 10 декабрда бажаришга аҳд қилган меҳнаткашларимиз пландан ташқари 500 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилишди. Бугунги кунда Қ. Мирмаҳмудова, Н. Ушакова каби илғорлар 1988 йил ҳисобига, бичувчи С. Сальников ва Т. Деҳқоновлар эса 1989 йил ҳисобига меҳнат қилишмоқда.

Пешқадамларнинг унумли меҳнати уларнинг кўнгилли дам олишларига ҳам боғлиқ. Шунинг учун биз биринчи галда путёвкаларни ана шу илғорларимизга ажратмоқдамиз. Бугунги кунда 4-цех тикувчиларидан З. Раҳимова, Д. Назирова Венгрия ва Чехословакияда туристик сафарда. 3-цех илғори Фарида Аҳмедова эса Англия, Франция ва Италия бўйлаб сафардан қайтиб келди. Корхонамизнинг 30 ишчиси Болтиқбўйи бўйлаб туристик саёҳатда бўлди. Сентябрь ойида яна 30 илғоримиз Ленинград бўйлаб сафарга боради. Ишчиларимизнинг фарзандлари дам олишига ҳам катта эътибор берилмоқда. Учинчи мавсумда Оқтошдаги «Искра» пионер лагерида яна 40 ўқувчи дам олади.

Биз биринчи йилнинг ярмида мамлакатимизнинг энг сўлим ва хушманзара ерларида жойлашган санаторий, дам олиш уйларига 60 та путёвка олдик. Йил охирига қадар яна 60 киши ана шундай оромгоҳларда ҳордиқ чиқарди.

К. СОЛИҲОВ,
кўн-галантерея ва спорт буюмлари бирлашмаси касаба союз комитетининг раиси.

Тошкент—янгича анъаналар шаҳри







## САЙЛЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Шаҳримизда ўтказилаётган халқ сайллари анъанага айланиб бормоқда. Карл Маркс кўчасида ҳар шанба ва якшанба кунлари давом этаётган ўзига хос учрашув ва савдо ҳамшаҳарларимизга маъқул тушиб қолди. Улар энди ана шундай сайлларни ўзлари яшаб турган районларда ҳам ташкил этишни маъқул кўрмоқдалар.

Ўтган шанба куни Октябрь райони меҳнаткашлари ва аҳолиси Санъат саройи атрофида Марказий «Пахтакор» стадионига кираверишдаги кўчада ташкил этилган сайлга марҳамат қилишди. Кеч соат еттиларда бу ерга келаётган Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва меҳнат ветеранлари, райониинг илғор ишчилари ва уй бекалари оқими узилмайди. Улар ўзлари учун яратилган қулайликларни кўришиб, кўплаб санъаткорлар томонидан ижро этилган рақс ва қўшиқларни тинглашиб, мамнун бўлишди.

— Сайлда иштирок этиб, кўнгилли дам олдик, — дейди биз билан суҳбатда меҳнат ветерани Мансур ака Қориев. — Ана шундай учрашув ва кўнгилли дам олишни кўпроқ ташкил қилиш керак.

Сайл қилувчилар савдо шохобчаларидан ўзлари учун керак бўлган буюмларни харид қилишди, қандолатчилар ва ошпазлар томонидан тайёрланган хар хил ширинликлар ва кабоблар уларга манзур бўлди. Райониинг Навоий номли маданият уйига қарашли «Феруза» халқ ашула ва рақс ансамбли концерт программаларини намойиш этди.

Бир сўз билан айтганда, районда ташкил этилган бу сайл барчага манзур бўлди.

СУРАТЛАРДА: сайлдан лавҳалар.

Т. Каримов фотолари.

Янги ўқув йили тараддуди

# МУНОСИБ СОВҒА





Куни-кеча Юнусобод массивининг «СБ-2а» микрорайонида истиқомат қилувчи ўқувчилар учун яна бир муносиб совға тайёрланди. 1176 ўқувчига мўлжалланган янги мактаб биноси фойдаланишга топширилди.

Мактаб икки қаватли бўлиб, тўрт блокдан иборат. Ўқувчиларнинг пухта билим олишлари учун барча шароитлар муҳайё. Бу ерда кенг, ёруғ синф хоналари, спорт зали, кино заллари мавжуд. Мактаб ёнгинасидаги теплицада ўқувчилар ботаника фанидан олган билимларини синаб кўришлари мумкин.

Биринчи қўнғироқгача ҳали анча вақт бор. Унгача мактаб территорияси ҳам ободонлаштирилади.

Қурилиш-монтаж ва пардозлаш ишларини бош пудратчи «Главташкентстрой»нинг 159-трестига қарашли 10-қурилиш бошқармасининг Н. Ҳакимзянов бошлиқ комплекс бригадаси аъзолари амалга оширишди. Бригадада 26 қурувчи бўлиб, улар ўртасида меҳнат интизоми яхши йўлга қўйилган. Бригадага меҳнаткаш ва касбга ихлос қўйган турли ёшлардаги қурувчилар йиғилган.

Бу коллектив яқинда яна бир бино қурилишини бошлаб юборди. Юнусобод массивининг янги «СБ-5» микрорайонида 1548 ўқувчига мўлжалланиб қурилаётган бу янги мактаб биноси ҳам 1 сентябргача фойдаланишга топширилади.

Бу комплекс бригада 10-қурилиш бошқармасида кўзга кўринган бригадалардан ҳисобланади. У бир беш йилликда икки беш йиллик планини бажариш ташаббуси билан чиққан.

Қурувчилар Октябрь районидаги ўқув-ишлаб чиқариш комбинатига ҳам самарали ёрдам кўрсатиб туришди.

СУРАТЛАРДА: янги мактаб биноси; қурилишда фаол иштирок этган бунёдкорлардан бир группаси.

Х. Мирзакаримов фотолари.

# ШОИР ДИЁРИ МАДҲИ

Тошкентлик мўйқалам устаси В. Лисов поэзияни жондилидан севади. Сергей Есенин унинг энг севимли шоирларидан бири.

Шунинг учун бўлса керак, рассом С. Есенин туғилиб ўсган диёрга бир неча бор бориб келди. У ернинг гўзал табиат манзаралари асосида картиналар яратди. Кўп йиллик эсдаликлари уни «Сергей Есенин хотираси» деб номланган янги картинани яратишга даъват этди. Рассом бу асарни тасвирий санъатнинг натюрморт жанрида талқин қилишга муваффақ бўлди.

Ўзига хос лирик манзара касб этган бу асар билан В. Лисовнинг Тошкентда очилган шахсий кўргазмасида яқиндан танишиш мумкин. Кўргазмадан унинг турли йилларда яратган «Анор», «Бухоро қовуни», «Гуллаб турган кактус» сингари натюрмортлари ҳам ўрин олган.

Шахмат—истеъдод сайқали

## АНТИҚА СОВҒА

Бокулик Зулайҳо Айвазова —ихтисоси бўйича инженер. Айни вақтда у шахмат композицияси бўйича СССР спорт мастерлигига номзод. У тузган масала ва этюдлар кўплаб халқаро ва Бутуниттифоқ конкурсларида совринлар оляпти.

Шунингдек Зулайҳо бу қадимий ўйин тарихи билан жиддий тиллашмоқда. Шулардан атиги иккитасини мисол келтирмоқчимиз.

XII асрда яшаб ижод қилган машҳур озар шоираси Маҳсатий Ганжавий шеъриятида шатранж-шахмат мотивидан фойдаланиш ҳоллари учрайди. Шоиранинг шахмат бобида ҳам моҳирлиги сезилиб туради. У кўпинча эри Амир Аҳмад билан ўйнар экан. Ана шу учрашувлардан бирида юз берган воқеани Маҳсатий хоним шеър билан изоҳлаган...

Зулайҳо Айвазова кўп йиллик ижодий изланишлар оқибати ўлароқ ўша Маҳсатий хоним шеърлари асосида тахтада юз берган воқеани шахмат тилига кўчиришга муваффақ бўлди.

Яқинда Зулайҳонинг яна бир тадқиқоти «64-Шахматное обозрение» журналида эълон қилинди.

Бокудаги Низомий номидаги Озарбайжон адабиёти музейида машҳур озар шоираси Хуршид Бону Нотавон (1830—1897)га тегишли шахмат комплектидан тўрттаси сақланаётганлиги ҳақида 10—15 йил муқаддам ёзган эдик. Эндиликда уларни Айвазова шундай шарҳлайди:

—Ушбу шахмат комплектини, —дейди Зулайҳо, — шоирага машҳур француз ёзувчиси Александр Дюма (отаси) Кавказ бўйлаб қилган сафари чоғида инъом этган. Нотавоннинг эри асли доғистонлик бўлиб, генерал-майор унвонини олгунга қадар рус армиясида хизмат қилган. У Дюма билан учрашиш ниятида хотини Нотавон, унинг онаси ҳамда болалари билан бирга Бокуга келади.

Сақланиб қолган шахмат доначалари фил суягидан ясалган. Уларнинг ярми Европа мунтазам армиясига хос шаклдаги жангчиларни, қолгани эса Шарқона ҳаворанг кийимдаги аскарларни акс эттирарди. Доналарнинг ҳажми қуйидагича: шоҳ — 80x35x20 мм, руҳ —70x30x 20 мм, пиёда —65x20x15 мм.

— Диққатни тортадиган жойи, —дейди Айвазова, — руҳ елканли қайиқ шаклида ишланганлигидир. Чамаси, бу шахмат комплекти Россияда ишланган кўринади: Дюма бу ерга келмасидан Петербург ҳамда Москвада бўлган.

# АЛОҚАЧИЛАРНИНГ ЯНГИ ОТРЯДИ

Яқин орада Тошкентдаги 4-шаҳар ҳунар-техника билим юртини битирган ёш алоқачиларнинг янги отряди мустақил ҳаётга йўлланма олади.

Битирувчилардан бир группаси ҳозир шаҳримиздаги қатор автомат телефон станцияларида ишлаб чиқариш практикасини ўтамоқда. 33-АТСда ўтказилаётган ишлаб чиқариш таълими бўйича амалий машғулотлар ниҳоясига етай деб қолди. Ёшлар бу ерда аппаратларни профилактик кўрикдан ўтказиш, бузилган симларни тузатиш, ўлчов асбоблари билан муомала қилиш билан шуғулландилар.

Яна бир группа Янгиобод массиви аҳолисига яхши совға бўладиган 98-АТСда монтаж ишларини олиб боришда фаол қатнашмоқда. Улар малакали мутахассислар ёрдамида телефон номерларини ўтказиш ишлари билан машғул бўлдилар.

Практикадан сўнг ёш алоқачилар шу станцияларда доимий ишлаш учун қоладилар.





# ЖАСОРАТ ВА ТОПҚИРЛИК КЎРИГИ

Ватанга меҳр-муҳаббат... Она-юртга садоқат... Бу туйғулар гўдаклигимизданоқ қон-қонимизга сингиб боради. Биз Ватанни Она, дея ардоқлаймиз. Аммо уни севиш, ардоқлашнинг ўзигина етарли эмас. Зарур бўлиб қолганда она-Ватанни ҳимоя қила билиш, унга садоқат билан хизмат қилиш муқаддас фарзандлик бурчимиздир. Буни, бугунги ёш авлод — пионерлар чуқур англашади. Улар ота-боболари жасорати эстафетасини муносиб ворислари—давомчиси бўлиш учун тайёрланишмоқда.

Чирчиқ шаҳридаги Совет Иттифоқи Қаҳрамони, бронетанк қўшинлари маршали П. С. Рибалко номидаги билим юрти базасида ўтказилган Бутуниттифоқ «Зарница—86» пионер ҳарбий-спорт ўйинларининг XI республика финали ёш армиячиларимиз учун ана шу тайёргарликнинг ўзига хос кўриги бўлди. Мусобақаларда республикамиз областлари ва Тошкент шаҳридан тўпланган жами 280 нафар ёш армиячи ғолиблик учун беллашди.

Мусобақаларнинг дастлабки босқичиданоқ ғолиблик учун кураш қизғин тус олди. Пойтахтимиз ёш армиячилари финал беллашувларини муваффақиятли ўтказишди. Улар Тошкент области вакилларидан сўнг иккинчи ўринни эгаллаган бўлишсада, ўзларининг зийрак ва топқирлиги, аниқ ва чаққон ҳаракатлари билан илиқ таассурот қолдиришди. Команда составида ўтказилган граждан мудофааси ва медик-санитарлик мусобақаларида улар барча талабларни бехато уддаладилар. Эльза Зайдуллина муҳаррири бўлган «Жанговар варақа»да отиш мусобақасидан сўнг «Юзеева Феруза —43 очко», «Ларев Виктор —42 очко», «Яшанглар!» деган ёзувлар пайдо бўлди.

Пойтахтимиз шарафини ҳимоя қилган 240-мактаб ёш армиячилари фақатгина ўқ отиш эмас, разведкачи, алоқачилар мусобақасида ҳам, автоматни қисмларга ажратиш ва йиғишда ҳам юқори натижа кўрсатишди. Отряд комиссари Озода Ҳайдарбекова командадошларининг ютуқларидан хурсанд. У мусобақа якунида ўтказилган «Агитбригадалар конкурси»га ўзлари тайёрлаб келган стенд билан мухлисларни таништиради. Стендда оталиқ ташкилот —Тошкент абразив заводига кўрсатилаётган ёрдамлари ўз ифодасини топган. Мактаб ёш ленинчилари ҳозиргача заводга 250 минг сўмлик турли маҳсулот ясаб беришди.

—«Зарница» пионер ҳарбий-спорт ўйинларининг Бутуниттифоқ финалига йўлланма олганимиздан беҳад мамнунмиз, —дейди Озода. —Фрунзе шаҳрида ўтадиган бу мусобақада республикамиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга ҳаракат қиламиз.

Финал мусобақалари ниҳоясига етди. У ёш армиячиларимиз учун ўзига хос мактаб бўлди. Нималар устида ҳали кўп ишлаш зарурлигини, қандай ютуқларимиз борлигини кўрсатиб берди.

—«Зарница» ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда дастлабки қадам, —дейди республика «Зарница» ҳарбий-спорт ўйинлари штабиқ аъзоси, Ўзбекистон ССР Маориф Министрлиги катта методисти Б. Эргашев. —Бу йилги мусобақаларнинг «Бугун зарницачимиз, эртага —Ватан ҳимоячилари!» шиори остида ўтаётгани ҳам буни кўрсатиб турибди. Ҳар бир ёш ҳозирдан ўзини Ватанни қўриқлашдек шарафли бурчга тайёрланиб бориши зарур.

XI Республика финали мусобақалари ёшларимизнинг муносиб Ватан ҳимоячилари бўлиб етишишаётганликларини яна бир бор исботлади.

И. ЎСАРОВ.

СУРАТЛАРДА: мусобақадан лавҳалар; пионер ҳарбий-спорт ўйинларининг XI республика финали қатнашчиси —240-мактаб ёш армиячилари.

Р. Альбеков фотолари.

# Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг марксизм-ленинизм университети

## 1986—1987 ўқув йили учун тингловчилар қабул қилади

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг марксизм-ленинизм университети партия маорифи системасидаги ўқув юрти бўлиб, у сиёсий ва иқтисодий таълимнинг ҳамма звеноси учун пропагандистлар ва сиёсий ахборотчилар тайёрлашга, партия, совет, касаба союз ва комсомол ходимларининг, хўжалик кадрларининг ғоявий-назарий савиясини оширишга, коммунистлар ва партиясиз активларни марксча-ленинча тайёргарликдан ўтказишга даъват этилган.

Ўқиш муддати 2 йил.

1986 йил 1 сентябрда университетнинг факультетлар ва бўлимларига тингловчилар қабул қилина бошлайди. Тингловчилар бошланғич партия ташкилотларининг тавсияси билан қабул қилинадилар.

Марксизм-ленинизм университетининг барча бўлимлари тингловчилари қуйидаги курсларни ўрганадилар: К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин социализм ва коммунизм тўғрисида; мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш проблемалари; жаҳон миқёсида идеологик кураш проблемалари.

Бундан ташқари факультетлар ва бўлимларда:

**ИДЕОЛОГИЯ КАДРЛАРИ ФАКУЛЬТЕТИ**

**КПСС тарихи бўлими**

Тингловчилар КПССнинг тарихий тажрибасини, партия ўқувининг методикасини ўрганадилар, бунга «Агитация-пропаганда ишининг социал-психологик ва педагогик асослари» махсус курси қўшилади.

**Илмий коммунизм бўлими**

Тингловчилар КПСС XXVII съезди қарорлари асосида илмий коммунизмнинг актуал проблемаларини; партия ўқуви методикасини ўрганадилар, бунга «Агитация-пропаганда ишининг социал-психологик ва педагогик асослари» махсус курси қўшилади.

**Иқтисодий бўлим**

Тингловчилар экономикани интенсивлаштириш; назария ва практика масалаларини; иқтисодий таълим методикасини ўрганадилар, бунга «Агитация-пропаганда ишининг социал-психологик ва педагогик асослари» махсус курси қўшилади.

**Халқаро муносабатлар ва СССРнинг ташқи сиёсати бўлими**

Тингловчилар халқаро муносабатлар ва Совет Иттифоқининг ташқи сиёсатини; халқаро коммунистик, ишчилар ва миллий-озодлик ҳаракатини; омма олдида сўзга чиқиш маҳоратини ўрганадилар.

**Марксча-ленинча этика ва эстетика бўлими**

Тингловчилар коммунистик аҳлоқ тўғрисидаги ленинча таълимотни; эстетика ва эстетик тарбияни; омма олдида сўзга чиқиш маҳоратини ўрганадилар.

**Илмий атеизм бўлими**

Тингловчилар илмий-атеизм; тарих, назария, ҳозирги замон проблемалари, илмий-атеистик пропаганда методикасини ўрганадилар.

**Оғзаки сиёсий агитация бўлими**

Тингловчилар коммунистик тарбия назарияси ва практикасини; ҳозирги босқичдаги сиёсий агитацияни ўрганадилар.

**Пропагандистлик маҳоратини ошириш бўлими**

Тингловчилар партия, сиёсий ўқув методикасини; агитация-пропаганда ишининг социал-психологик ва педагогик асосларини ўрганадилар.

**Идеология ишлари бўлими**

Тингловчилар КПСС идеология ишларининг актуал масалаларини; коммунистик тарбиянинг назарияси ва практикасини ўрганадилар.

**ПАРТИЯ-ХЎЖАЛИК АКТИВИ ФАКУЛЬТЕТИ**

**Партия қурилиши бўлими**

Тингловчилар партия қурилишини; КПССнинг тарихий тажрибасини ўрганадилар.

**Совет қурилиши бўлими**

Тингловчилар совет давлат қурилиши ва ҳуқуқи асосларини; КПССнинг тарихий тажрибасини ўрганадилар.

**ХЎЖАЛИК РАҲБАРЛАРИ БЎЛИМИ**

Тингловчилар экономикани интенсивлаштиришни; назария ва практика масалаларини; коммунистик тарбиянинг назарияси ва практикасини ўрганадилар.

**Илмий-техника тараққиётини жорий этиш ташкилотчилари бўлими**

Тингловчилар экономикани интенсивлаштиришни; назария ва практика масалаларини; марксча-ленинча фалсафани; коммунистик тарбиянинг назарияси ва практикасини ўрганадилар.

Марксизм-ленинизм университетида ўқув машғулотлари лекция, семинар машғулотлари, мустақил иш, докладлар, рефератлар тайёрлаш, назарий конференциялар, ижтимоий-сиёсий практика, консультациялар, зачёт ва имтиҳонлардан иборат бўлади.

Ўқишнинг экскурсия, партия, совет органлари раҳбарлари, олимлар, адабиёт ва санъат арбоблари билан учрашувлар каби бошқа формаларидан ҳам фойдаланилади.

Университетни тамомлаган ва битириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган тингловчилар партия ўқуви системасида олий сиёсий таълим олганликлари ҳақида диплом олишади.

Унивеpтитетга бошқа ўқув юртларида ёки тайёрлов курсларида ўқиётган кишилар қабул қилинмайди.

Машғулотлар ҳар ҳафтада бир-икки марта, соат 18 дан 15 минут ўтганда бошланади.

ТИНГЛОВЧИЛАРНИНГ МАШҒУЛОТЛАРГА ҚАТНАШИШИ ШАРТ.

Ўқиш 15 ноябрда бошланади ва 15 июнда тугайди.

Университет адреси: Пушкин кўчаси, 17-уй.

Телефонлар: директор — 33-84-46, ўқув бўлими — 33-21-61, 33-99-05.

# «Ранги»га қарамай...

Варшавада таниқли шахмат арбоби ҳамда журналист Владислав Литтановичнинг «Янги қизиқ воқеалар ва ажойиб шахмат ҳангомалари» деган китоби чоп этилди. Авторнинг ўзи муқаддимада айтгандек, китоб ўқувчининг шахмат билимларини чуқурлаштиришга мўлжалланган.

Бу мураккаб ишни бажаришда авторнинг қобилияти, меҳнатсеварлиги, диди қўл келганлиги кўриниб турибди.

Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) тасдиқлаган ўйин қоидаларининг бир бандида: охири горизонталга чиққан пиёда шу рангдаги (яъни оқ бўлса оқ, қора бўлса қора) сипоҳга айланади, дейилади. Литтанович, ранг ҳақида эслатма берилгани тасодиф эмас, деб таъкидлайди. Бир вақтлар ортиқча деб, ранг ҳақида сўз юритилмаган. Худди шундан фойдаланган И. Цукерторт (1886 йили В. Стейниц билан жаҳон чемпионлиги учун ўтказилган дастлабки расмий матч иштирокчиси) қуйидаги позицияда оқлар бошлаб, бир юришда қора шоҳни мот қилган.



Қани, азиз дўстлар, Сиз ҳам қора шоҳни бир юришда мот қилиб кўринг-чи?!

СССР спорт мастери М. МУҲИДДИНОВ тайёрлаган.

## РЕСПУБЛИКАДА ЯГОНА

Чилонзор Оқтепасида жуда кўплаб турар жой бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Ўнлаб ҳамшаҳарларимиз бу кўркам биноларда ҳовли тўйларини ўтказишяпти. Массивда республикамизда ягона 560 ўринли болалар боғчаси қурилиши бошлаб юборилди. Бу йил фойдаланишга топшириладиган ўзига хос, замонавий бинода ҳозир монтаж ишлари кетяпти. Янги боғча ишга туширилгач райондаги боғчалар сони 44 тага етади. Уларда 11 мингдан зиёд кичкинтой тарбияланади.

Келаси йили «Бешёғоч» массивида 320 ўринли яна бир боғча ишга тушади.

Ҳозир ана шу массивда 159-қурилиш трестининг 9-бошқармаси бунёдкорлари томонидан 1176 ўринли мактаб биноси тикланмоқда. Бу ерда барча фанлар учун махсус хоналар, спорт зали ва 240 ўринли мажлислар зали бўлади. Бундан ташқари икки синфга мўлжалланган тайёрлов группаси ишга тушади. 6 ёшли кичкинтойлар учун олтита махсус синф ажратилади.

Келинг, бир кулишайлик

# ХАНДАЛАР

## Муддат тугади

—Охирги иш жойингизда неча йил ишлагансиз?

—Тўрт йил.

—Мақташга лойиқ-ку, нима учун у ердан бўшаб кетдингиз.

—Тегишли муддатни ўтаб бўлдим-да!

## Омадли эр

— Менинг эрим жуда омадли-да! Кечагина ўзини бахтсиз ҳодисадан суғурта қилдириб келганди, бугун бошига ғишт тушиб, беҳуш ҳолда касалхонага олиб кетишди.

## Пардоз

Тарозида турган хотини хурсандлик билан эрига деди:

—Азизим, назаримда икки килограмм озганга ўхшайман...

—Тўғри, аммо тарозига пардоз қилиб, кейин чиқишни унутган бўлсанг керак, —деди ишончсизлик билан эри.

## Имтиҳон

Цибульский шофёрлик гувоҳномасини олишга имтиҳон топшираётган эди.

—Афсус, —деди инструктор, —сиз имтиҳон топшира олмадингиз.

—Қанақасига, ахир мен ҳали жойимдан қўзғалганим йўқ-ку?

—Ўйлаяпсизми, қандай ҳам қўзғалардингиз... Сиз ахир орқа ўриндиқда ўтирибсиз-ку!

Русчадан

Фаёз ҒАФУРОВ таржимаси.

# Хавфсиз заҳар

Кофе ҳақида шифокор олимларнинг бир гуруҳи бир мунча хавфли дейишса, аксинча ўзгалари бу ичкилик фойдали деган фикрда. Шу йўсинда бу муаммо ҳал этилмаган.

Айни шу муаммо Гарвард университети неврологи Жеймс Натансонни қизиқтиради ва у ҳашаротлар билан тажрибалар ўтказди.

Маълум бўлдики, биринчи галда қишлоқ хўжалигининг ашаддий зараркунандалари кофенинг жуда оз миқдоридан қирилиб кетдилар. Зараркунандаларга қирон келтирувчи модда фақатгина кофе донида бўлмай, чой япроғида ҳам мавжуд. Бунинг моҳияти шундаки одам ҳайвонот ва ўсимликларга хавфсиз хизмат кўрсатиши мумкин бўлган янги самарали, табиий инсектицидларнинг кашф этилишида.

Ажойиботлар оламида

# Хромцовнинг тугунлари

Соломбал кемасозлик корхонасининг ишчиси Л. Хромцов кўзини юмиб, икки юз хил тугун боғлайди ва уни еча олади.

У бу ҳунарни денгизчилар мактабида ўқиб юрганидаёқ ўргана бошлаганди. Лекин шимолий денгиз пароходчилигининг савдо кемаларида хизмат қилганида тугун боғлаш билан жиддий шуғулланди. Истамбулда бўлганида турк тугунини ўрганиб қайтди, Грециядан амфора тугунини, Англиядан овчилар тугунини билиб келди...

Хромцов стендларга илиб қўйган тизимча тугунларига қараб мамлакатлар ва қитъалар бўйлаб саёҳат қилиб чиқиш мумкин. Мана шу тугунлардан ғалати бир «ҳайвонот боғи» ҳам тузилган. Бўғма илон тугуни, акула тугуни, тунец балиқ тугуни, маймун тугуни, қисқичбақа сиртмоқ шулар жумласидандир.

— Ўтмишда кўпгина тугунлар Оқ денгиз бўйида Россия флоти қурила бошлаганида Голландиядан денгизчилик практикасига кириб келганди, — дейди Л. Хромцов. — «Мосфильм» буюртмасини бажараётиб, шуларни эслашга тўғри келди. Денгизда суратга олиш учун иккита карбас қурилди, ана шуларга ҳар хил тугунлар керак эди.

Хромцов тугунлари коллекцияси ҳайратда қолдириш учунгина йиғилган эмас. Кемасозлик корхонаси бу коллекция ўзига хос дарслик, ишда ёрдамчидир.

